

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

КАМИЛОВ ХАБИБИЛЛА ХАМИДОВИЧ

**КУЙДИРМАСДАН ОЛИНАДИГАН ИШҚОРЛИ БОҒЛОВЧИЛАР
АСОСИДАГИ СЕРГОВАК КОМПОЗИЦИЯЛАРНИНГ
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Камилов Хабибилла Хамидович

Куйдирмасдан олинадиган ишқорли боғловчилар асосидаги серговак композицияларнинг экспериментал-назарий асослари..... **3**

Камилов Хабибилла Хамидович

Экспериментально-теоретические основы высокопористых композиций на безобжиговых щелочных вяжущих..... **29**

Kamilov Khabibilla Khamidovoch

Experimental and theoretical foundations of highly porous compositions based on unburned alkaline binders..... **57**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... **61**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

КАМИЛОВ ХАБИБИЛЛА ХАМИДОВИЧ

**КУЙДИРМАСДАН ОЛИНАДИГАН ИШҚОРЛИ БОҒЛОВЧИЛАР
АСОСИДАГИ СЕРГОВАК КОМПОЗИЦИЯЛАРНИНГ
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/T332 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Тулаганов Абдукабил Абдунабиевич**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ходжаев Саидаглам Аглюевич**
техника фанлари доктори, профессор
Талипов Нигматулла Хамидович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим
Цой Владимир Михайлович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **«O'zog'irsanoatloyiha» АЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «19» июнь соат 10-00 да Архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.: (+99871) 241-10-84, факс:(+99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№41 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: (+99871) 235-43-30; факс:(+99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «16» июнь куни тарқатилди.
(2020 йил «12» июндаги 4 - рақамли реестр баённомаси).

А.И. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

И.И. Касимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби в.в.б., т.ф.д., проф. в.б.

С.А. Ходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда замонавий қурилишда энергия ва ресурстежамкорлик энг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бунга биринчи навбатда энергиясамарали ва тежайдиган материаллар ва уларни ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш орқали эришиш мумкин. Портландцемент турли мақсадлар учун фойдаланиладиган бетонлар ишлаб чиқариш учун асосий боғловчи материал ҳисобланади, аммо ҳозирги вақтда турли хил технологик жараёнлар ва иккиламчи ресурслардан фойдаланган ҳолда муқобил минерал боғловчиларни яратиш ва ишлаб чиқариш бутун дунёда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Англия, Франция, ГФР ва Хитой каби давлатларда ишлаб чиқариш жараёнида табиий ҳомашёларни тежаш, иккиламчи ресурсларлардан фойдаланиш, атроф-муҳитга камроқ ифлослантирувчи газлар чиқариш ва энергиятежамкорликка эришиш имкониятларини берувчи минерал боғловчиларни яратиш масалалари етакчи ўрин эгалламоқда. Шу жиҳатдан уларнинг хосса ва структураларини оптималлаштириш, узоқ вақт давомида хизмат қилишини ошириш ва ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари лабораторияларида портландцементга муқобил бўлган, ишлаб чиқариш технологиясида куйдириш жараёнидан воз кечиш имконини берадиган ишқорли боғловчиларни яратиш, улар асосида материалларнинг таркибларини ишлаб чиқиш, боғловчиларини модификациялаш, физик-механик ва физик-кимёвий хоссаларини бошқариш, уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда, ишқорли боғловчилар ва улар асосида материалларни яратишда маҳаллий ва иккиламчи ҳомашёдан фойдаланиш, уларнинг таркибларини оптималлаштириш, модификациялаб, структура ва хоссаларини яхшилаш, энергия ва ресурс тежамкорлигини ошириш, муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ривожлантирилиб, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш, маҳаллий ва иккиламчи ҳомашёлар асосида қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш, республикамиз ҳудудларида мослаштирилган кичик корхоналарни яратиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш каби бир қанча ишлар амалга оширилиб, муайян ютуқларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам сарфли энергиятежамкор усулларни қўллаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, ...»¹ муҳим вазифалари белгиланган.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, маҳаллий иккиламчи хомашёдан куйдирмасдан олинадиган ишқорли боғловчилар ва улар асосидаги серфовак композицияларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сон «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Дунёнинг етакчи тадқиқот марказлари ва университетлари, шу жумладан University of Sheffield (Англия), Zeobond Pty Ltd, Docklands (Австралия), Spanish National Research Council, Instituto de Ciencias de la Construcción Eduardo Torroja (Испания), Nanjing University of Technology, Hunan University (Китай), Centre for Materials Research, Curtin University (Австралия), Geopolymer Institute (Франция), Веймар Баухаус университетида (ГФР), Киев миллий қурилиш ва архитектура университетида, Харьков миллий қурилиш ва архитектура университетида (Украина), Қозон давлат архитектура-қурилиш университети, Император Александр I номи Санкт-Петербург давлат темир йўллари университетида, В.Г. Шухов номидаги Белгород давлат технологик университетида (Россия), Жанубий Қозоғистон давлат университетида (Қозоғистон), Ташкент архитектура-қурилиш институтида, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида (Ўзбекистон) куйдирмасдан олинадиган ишқорли боғловчилар (КОИБ) ва улар асосидаги материалларнинг мавжуд таркиб ва технологияларини такомиллаштириш, янги таркиб ва технологияларни, структура ва хоссаларини мақсадли бошқариш усулларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

КОИБда янги қурилиш материалларини яратиш, уларнинг эксплуатацион хусусиятларини оптималлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларини яхшилашда дунёда бир қатор илмий натижалар қўлга киритилди, жумладан:

²Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://foamconcreteworld.com/>, <https://www.sciencedirect.com/>, <https://www.hindawi.com/journals/>, <https://www.researchgate.net/>, <http://www.concrete.org.uk/>, <https://www.mdpi.com>, <https://link.springer.com/>, <https://books.google.co.uz/books/>, <https://www.scientific.net/>, <https://www.academia.edu/>, <https://www.ytong.ru>, <https://www.elsevier.com/>, www.understanding-cement.com, <https://theconstructor.org>, <https://www.linkedin.com>, <https://www.wehrhahn.de> ва бошқалар бўйича ишлаб чиқилган.

ишқорли цемент асосида турли мақсадлар учун бетоннинг таркиби, хусусиятлари ва чидамлилигини ўрганиш, композицияларни ишлаб чиқиш, шу билан бирга метакаолин ва учувчи кулни ишқор билан фаоллаштириб, турли хил хомашёлардан автоклавда чиқадиган газбетонни яратиш, (Киев миллий қурилиш ва архитектура университети), учувчи кулни ишқор билан фаоллаштирилган материалларнинг реакциялари, фазалари ва микро тузилишини ўрганиш (Нагоя университети, Япония); ишқорий фаоллаш жараёнларини ўрганиш, шлаклар, учувчи кул ва уларнинг аралашмалари асосидаги ишқорий фаоллаштирилган бетоннинг бардошлилиги, саноат ривожланиши ўрганиш (Брно технология университети, Чехия); метакаолин ва учувчан кулдан геополимерлар яратиш ва ишлаб чиқариш (Геополимерлар институти, Франция) Кул, шлаклар асосида олдиндан зўриқтирилган шпаллар яратиш (ПГУПС, Санкт-Петербург, Шеффилд университети, Англия), минерал силикат ва алюмосиликат қўшимчаларидан фойдаланиб қоришма ва бетонли композит олиш учун КОИБ хусусиятларини ўрганиш (Қозон архитектура ва қурилиш университети, Россия), электротермофосфор шлаклари асосида КОИБлар яратиш (ЖҚДУ, Қозоғистон), КОИБ ва маҳаллий хомашёлар асосида материаллар (ТАҚИ, Ўзбекистон).

Дунёда КОИБ ва улар асосидаги материалларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш учун бир қатор, жумладан: турли хил органик ва минерал қўшимчаларнинг материалнинг хусусиятларига таъсири; турли хил саноат чиқиндиларидан фойдаланиш; турли хил тўлдиргичлардан шу жумладан, ўсимликдан олинadиган тўлдиргичлардан фойдаланиш; материалнинг хусусиятларига турли хил технологик омилларнинг таъсирини ўрганиш; самарали ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Куйдирмасдан олинadиган ишқорли боғловчиларни яратиш ва тадқиқоти билан В.Д.Глуховский, П.В. Кривенко, Р.З. Рахимов, Н.Р. Рахимова, Т.М. Петрова, Caijun Shi, D.M. Roy, J.L. Provis, P.Duxon, J.S.J. Van Deventer, A. Palomo, A. Fernández-Jiménez, A. Buchwald, С.Т. Сулейманов, А.Г. Алиев, Б.К. Серсенбаев, И.У. Касимов, А.А. Тулаганов, У.А. Газиёв, А.А. Султанов ва бошқа етакчи олимлар шуғулланганлар. Бажарилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги КОИБ ва улар асосидаги материаллар ишлаб чиқариш учун хомашё танлаш асослари; синтез, гидратация ва структура ҳосил бўлишини бошқаришнинг асосий усуллари; боғловчи тошининг микротузилиши шаклланишининг физик-кимёвий асосларини тадқиқ этиш; КОИБ ва улар асосидаги қурилиш материалларининг физик-механик ва физик-кимёвий хусусиятларини, хусусан енгилдан то оғиргача бўлган бетонни хусусиятларини ўрганиш; олинган материалларни қўллаш соҳалари аниқлаш билан боғлиқ устивор йўналишларда амалга оширилган.

Кўпикли ва газбетонлар каби серғовак материаллар ишлаб чиқариш учун композициялар ва технологияларни ривожлантиришдаги илмий изланишлар ва муаммолар бир қатор олимлар, хусусан А.А. Брюшков, А.Т. Баранов, Ю.М. Баженов, П.И. Боженков, М.С. Гаркави, Б.Н. Кауфман, Л.Д. Зухуа Зҳанга, Жон Л. Провис, Рамамурти, Намбиар, В.И. Удачкин, Л.Д. Шахова, Л.В. Моргун, В.Г.

Хозин, Г.И. Яковлев, В.В. Стринг, А.И. Адилходжаев, И.У. Қосимов, Н.А. Самигов, А.А. Тўлаганов, А.А. Султанов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Шу билан бирга, ушбу изланишларнинг аксарияти портландцемент асосидаги уяли тузилишли бетонларни турли толалар билан дисперс арматуралаб мустаҳкамлаш; турли хил суперпластикаторлардан фойдаланиш, фаол минерал қўшимчалар ёрдамида микро даражада уя тузулишли бетонларнинг тузулиши ва хусусиятларини оптималлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш билан боғлиқдир.

Амалга оширилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, маҳаллий иккиламчи хомашё асосида КОИБ таркибини яратишда уя тузулишли бетон яратилиши билан биргаликда амалга ошириш керак. Шу муносабат билан маҳаллий саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда КОИБ асосида серғовак композицияларни яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш долзарбдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-5-040 рақамли “Техноген хомашё материалларидан фойдаланиб куйдирмасдан олинадиган ишқорли боғловчилар олишнинг самарали ресурс тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш” (2006-2008 йй.), 16-042 рақамли “Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосидаги серғовак иссиқлик изоляция арболитни технологиясини яратиш ва тадқиқ этиш” (2009-2011 йй.) ва Ф-7-44 рақамли «Янги органоминарал енгил композицияларни яратишнинг физик-кимёвий асослари ва уларда структура ҳосил бўлишининг қонуниятлари» мавзусидаги (2012-2016 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан фойдаланиб, куйдирмасдан олинадиган ишқорли боғловчилар асосидаги серғовак композицияларни яратишнинг экспериментал ва назарий асосларини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

минерал боғловчилардан серғовак композициялар яратиш ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истикболларини ўрганиш;

маҳаллий иккиламчи хомашё асосида КОИБ ишлаб чиқишни ривожлантириш бўйича экспериментал ва назарий тадқиқотлар;

минерал ва органик қўшимчаларнинг олинган материалнинг хоссалари ва тузилишига таъсири нуқтаи назаридан КОИБда тадқиқотлар ўтказиш;

КОИБларни ғоваклаштириш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар бажариш;

"целлюлоза таркибли тўлдиргич - КОИБ" тизимида контакт зонасини шакллантириш механизмини назарий ва экспериментал ўрганиш;

КОИБ асосидаги кўпикбетонларнинг фрактал ўлчамини боғлиқлиги ва аниқлаш моделини ишлаб чиқиш;

КОИБ асосидаги серғовак композицияларнинг таркибини лойиҳалаш

усулини ишлаб чиқиш;

КОИБ ва улар асосидаги серфовак материаллар ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий иккиламчи хомашёдан фойдаланиб куйдирмасдан олинадиган ишқорли боғловчилар ва улар асосидаги серфовак композициялар олинган.

Тадқиқотнинг предметини маҳаллий иккиламчи хомашёдан фойдаланиб, куйдирмасдан олинадиган ишқорли боғловчилар ва улар асосидаги серфовак композициялар таркиби, хоссалари ва технологияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усулларида, структура ҳосил бўлишини рентген-структура ва дифференциал термик таҳлил, электрон микроскопия, материалларнинг сифат кўрсаткичлари ва хоссаларини ўрганишнинг стандартлаштирилган усулларида ҳамда таркибни лойиҳалаш ва технологик жараёнларни оптималлаштиришнинг математик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

боғловчиларнинг структура ва хоссаларини белгиловчи омилларга асосланиб, фрактал геометрияни ҳисобга олган ҳолда, минерал ва органик қўшимчали КОИБ олиш ва структурасини ҳосил бўлиш жараёнларининг назарий ва экспериментал асослари ривожлантирилган;

КОИБ тоши мустаҳкамлиги ва фрактал ўлчам орасидаги боғлиқлик қарама-қарши эканлиги аниқланган;

КОИБдаги «матрица-кўпик ҳосил қилувчи» модел тизими орқали кўпик ҳосил қилувчиларнинг ишқорли муҳитда ғовак ҳосил қилиш қобиляти ва матрицанинг контракцион ва капилляр ғоваклигининг камайиши назарий-экспериментал тарзда аниқланган;

кўпик массасини ҳосил қилиш учун матрицани ташкил этувчилари ва тўлдиргичларнинг тури ва миқдори, аралаштириш вақтига нисбатан ғоваклар орасидаги деворнинг капилляр ва гелли ғоваклигига боғлиқлиги аниқланган;

“целлюлоза таркибли тўлдиргич – КОИБ” тизимида адгезион-адсорбцион жараёнлар натижасида зич контакт зона шаклланиши механизми аниқланган;

КОИБ асосидаги материалнинг мустаҳкамлиги ишқорий компонент миқдори, боғловчи тошининг ҳажми, композициянинг ғоваклиги ва ғоваклар орасидаги девор қалинлигига боғлиқлиги асосланган;

кўпикбетонларда ғоваклар миқдори, уларни диаметри ўлчамининг ўртача миқдори, материалдаги ғоваклар орасидаги девор қалинлигини аниқлашга асосланган КОИБ асосида белгиланган зичликдаги серфовак структурали кўпикбетонларни олиш имконини берадиган фрактал ўлчамни аниқлаш боғлиқлиги ва модели таклиф этилган;

алюмосиликат ва ишқорий компонент миқдори ва кўпик ҳажми сарфини аниқлаш боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда КОИБ асосидаги кўпикбетон таркибини лойиҳалаш усули таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

маҳаллий иккиламчи хомашёлардан КОИБ асосида арболит, кўпикарболит

ва автоклавсиз қотадиган кўпикбетон таркиблари ишлаб чиқилди ва таклиф қилинди;

КОИБ ва целлюлоза таркибли қишлоқ хўжалиги чиқиндилари асосида иссиқлик изоляцияловчи арболит ишлаб чиқариш технологик схемаси ишлаб чиқилган;

КОИБ асосида автоклавсиз қотадиган серғовак материалларнинг таркиблари ишлаб чиқилган;

маҳаллий иккиламчи хомашёлардан кўпикбетон ишлаб чиқариш учун кўпик ҳосил қилувчини танлашнинг принциплари ишлаб чиқилган;

Маҳаллий иккиламчи хомашёлардан КОИБ асосида ўртача зичлиги 350 - 750 кг/м³ бўлган материалларнинг физик-механик хоссалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий қоидаларнинг муаллиф томонидан олинган назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мутаносиблиги, тадқиқотларни замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тажриба натижалари ишлаб чиқаришда синовдан ўтганлиги ва жорий қилинганлиги, натижаларни меъёрий-услубий ҳужжатларда қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, КОИБ асосидаги серғовак композицияларда структура ва хоссаларни шакллантиришга оид тассавурларни ривожлантирилганлиги, оксидлашсиз интенсив технологияни яратиш натижасида битум таркибида смола ва асфальтенларнинг ҳосил бўлиши ҳисобига кўшимча мустаҳкам структура ҳосил бўлиши механизми тадқиқот қилинган ва янги усуллари қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Куйдирмасдан олинадиган ишқорли боғловчилар асосидаги серғовак композицияларнинг экспериментал-назарий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

КОИБ ва қишлоқ хўжалигининг целлюлоза таркибли чиқиндилари асосидаги арболит таркиби «Зухайл» хусусий корхонасида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 12 июндаги 4670/08-07-сон маълумотномаси). Натижада саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндилари асосида ўртача зичлиги 350 кг/м³ бўлган иссиқлик изоляция материали ишлаб чиқариш имконияти яратилган;

ишлаб чиқилган КОИБнинг таркиблари «Иморат-АДА» НПКЧРда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 12 июндаги 4670/08-07-сон маълумотномаси). Натижада активлиги 600 бўлган куйдирмасдан олинадиган ишқорли боғловчи ишлаб чиқаришга эришилган;

кўпикбетон ва кўпик арболит таркиблари ва технологияси «Алина-Инвест» МЧЖ ҚҚда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 12 июндаги 4670/08-07-сон маълумотномаси). Натижада ўртача зичлиги 350 до 750 кг/м³ ва сиқилишдаги мустаҳкамлиги 0,5 до 2,7 МПа бўлган кўпикбетон ва кўпик арболит ишлаб чиқаришга эришилган.

механик усулда фаоллаштирилган ишқорли боғловчи асосида кўпикбетонни синов партияси «Бекободцемент» АЖда ишлаб чиқарилган

(Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 12 июндаги 4670/08-07-сон маълумотномаси). Натижада, амалдаги стандарт талабларига жавоб берувчи маҳсулот олиш имконини берган;

боғловчи таркиби, ишқорий боғловчи ишлаб чиқариш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патентлари (IAP 04945 UZ, IAP 05647 UZ) ва шлак-ишқорли боғловчи асосида кўпикбетон ишлаб чиқатиш линиясига фойдали моделга патен (FAP 01486). Натижада юқори мустаҳкамлик кўрсаткичларига эга минерал боғловчи олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 13 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш чоп этилган. Улардан 3 та монография, 17 та илмий мақола, шу жумладан, асосий диссертация натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 2 та хорижий ва 12 та республика миқёсидаги журналларда, шунингдек, ЎЗР ИМА нинг 2 та ихтиро (IAP № 04945, IAP № 05647) ва 1 та фойдали модель (FAP № 011486) учун патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 243 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотларининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Минерал боғловчилар асосидаги серфовак композицияларни яратиш ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари ҳақидаги адабиётларнинг таҳлилий шарҳи”** номли бобида КОИБ, целлюлоза таркибли ўсимлик хомашёси ва минерал боғловчилар асосидаги органоминерал композицияларни яратиш ва ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати, композицион материалларни яратиш назарияларининг асосий принциплари таҳлил қилинган, минерал боғловчилар асосидадаги, жумладан Ўзбекистон Республикаси саноати ва қишлоқ хўжалиги целлюлоза таркибли ўсимлик чиқиндиларидан фойдаланиб серфовак композицияларни яратишни такомиллаштириш йўллари кўрсатилган.

КОИБ, минерал боғловчи моддалар ва ўсимлик хомашёси асосидаги иссиқлик изоляцияловчи ғовак материалларини яратиш ҳолати ва ривожланиш истиқболларининг таҳлили, структуранинг масштаб даражалари орасида юқори

боғланган структураости тизимлари - матрица, контакт зонаси ва тўлдиргич ғовакларида яхлит конгломерат сифатида вужудга келишига олиб келадиган боғловчи матрицаси хоссаларидан фойдаланиб, матрицани ғоваклаштириш ва мустаҳкамлиги паст бўлган тўлдирувчилардан фойдаланиб енгил бетонларни яратишнинг янги ёндашувни ишлаб чиқиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бу бетон структурасини ягона тизим сифатида цемент тошининг фазовий матрицаси, мустаҳкамланган, бир жинсли контакт зоналари, мустаҳкамлик кўрсаткичларидан иборат фрактал структура билан ифодаланган кучли каркасни яратишга ёрдам беради.

Бу Ўзбекистонда кенг тарқалган хомашёлар асосида микро ва макро даражада серғовак таркибнинг физик-кимёвий таркибини ўзгартиришлар орқали, хоссаларини бутун технологик жараён давомида ўзаро боғлиқ бўлган ҳаракатлар билан тавсифланган барча омилларни ҳисобга олган ҳолда турли босқичларда “таркиб-технология-хосса” кетма-кетлигида бошқариш орқали олдиндан белгиланган хусусиятларга эга самарали енгил бетон олиш имкониятини беради.

Муаммони ҳал қилиш ҳолатини адабий ва патент манбаларини таҳлил қилиш натижасида диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

“Маҳаллий хомашёлардан куйдирмасдан олинадиган ишқорли боғловчиларни яратиш ва тадқиқ этиш” деб номланган иккинчи бобда алюмосиликат ва ишқорий компонентлар, шунингдек модификацияловчи қўшимчаларнинг тури ва миқдорини маҳаллий хомашёлар асосидаги КОИБ физик-механик хоссаларига таъсири, уларни олишнинг мақбул параметрларни аниқлаш бўйича экспериментал ва назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқотларда боғловчиларнинг алюмосиликат ташкил этувчиси сифатида электртермофосфор (ЭТФ) шлагги, электр пўлат эритиш (ЭПЭ) шлагги ва учувчан кулдан, ишқорий компонент сифатида сода-сульфат аралашмаси (ССА), Na_2SO_4 , NaCO_3 , NaOH , $\text{Na}_2\text{O} \cdot 2,8\text{SiO}_2$, $\text{Na}_2\text{O} \cdot 2\text{SiO}_2$, модификацияловчи қўшимчалар сифатида эса туффит, клинкер пишириш печлари чанги, портландцемент клинкери (ПЦК) ва глиеждан фойдаланилди.

Органик модификацияловчи қўшимча сифатида JK-08NP, ЛАХТА КМД PRO, Glenium 150, Glenium 51 суперпластификаторларидан фойдаланилди. Модификаторлар бир хилда тарқалиши учун ЭТФ шлакини майдалаш жараёнида JK-08NP ва ЛАХТА КМД PRO массага нисбатан 1%, Glenium 150, Glenium 51 ва ПБ Люкс 0,3% қўшилди. Майдалаш жараёни 60 ва 90 минутни ташкил этди. Кўпик ҳосил қилувчи сифатида Сетора, Ареком-4, ПБ 2000, ПБ Люкс, Винпор ва Зимпордан фойдаланилди.

Тадқиқот давомида ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларга қараб, ҳар бир алоҳида ҳолатда, принципиал танланган ёндашувга риоя қилинган ҳолда, бетоннинг микродаражасида таркибидаги модификатор ва структура ҳосил бўлишини таъминлайдиган катион алмашув комплекси кўринишидаги қўшимча мавжуд бўлишини ҳисобга олган ҳолда, ушбу таркибий қисмлар орасидаги

нисбат доимий, ўзгартириб амалга оширилди. Юқорида айтилганларга асосланиб, КОИБ минералларнинг фазавий таркибини ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилди. Алюмосиликат ва ишқорий компонентларнинг КОИБ хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш билан бирга уларнинг қотиш шароитини ҳам таъсири ўрганилди.

Тадқиқ этилган боғловчи композицияларнинг қотишидан ҳосил бўлган маҳсуллар гиролит, гиллебрандит, трукотит, тоберморит ва табиий цеолитларнинг $R_2O \cdot Al_2O_3 \cdot (1-3)SiO_2 \cdot nH_2O$ кўринишидаги ишқорий минераллари ва шунингдек, кальцитдан иборат.

Олинган термик таҳлил натижалари рентген фаза таҳлил натижаларини тасдиқлади ва $350^\circ C$ да кальцийнинг гидроалюмосиликатларининг дегидратациясини кузатиш мумкин. $680-820^\circ C$ даги эффектлар кальцийнинг гидроалюмосиликатларини парчаланиб, волластанитга кристалланиб ўтишини кўрсатади. Шу билан бирга умумий масса йўқотиш 7,42% ни ташкил қилди.

Сирт фаол моддалари таъсирининг самараси кўп жиҳатдан қаттиқ фаза юзасида ҳосил бўлган хемосорбция боғланишлар билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари нормал шароитда қотган ҳамма намуналарнинг мустаҳкамлиги куруқ ҳаво шароитида қотган намуналарнинг мустаҳкамлигига нисбатан икки баробаргача юқори бўлди.


Контрол намуналари билан таққослаганда пластификаторлардан фойдаланиб тайёрланган намуналарда мустаҳкамлик кўрсаткичларининг ортиши куртаксимон ва узунчоқ кристалларнинг ҳосил бўлиши, кристалларнинг бир текис жойлашиши, шунингдек гидратланаётган заррачаларнинг зич жойлашишининг билан ортиши аниқланган. Бундан ташқари боғловчи олиш учун, майдалаш даврида пластификаторларни қўшилиши материал заррачалари юзасида бир сирт фаол моддалар бир хил адсорбцияланишига олиб келади. Катион-алмашинувчи комплекслар ва аралаш ишқорли таркибий қисмлардан фойдаланиш орқали композицияни сифатли ва миқдорий тузатиш натижасида фаоллиги 110 МПа бўлган КОИБ олинди.

КОИБни ўрганишнинг жиҳатларидан бири КОИБнинг микро тузилишини фрактал таҳлил қилишга йўналтирилиши мумкин, бу эса ушбу материалларнинг хусусиятларини тушунишда ва таҳлил қилишда катта ёрдам бериши мумкин.

Фрактал геометрия нуқтаи назаридан, КОИБлар фрактал ўлчам билан тавсифланиши мумкин бўлган кўп даражали тузилишдир. Бундан ташқари, фрактал ўлчам фрактал шаблонини кўп даражали структура сифатида миқёсланганда уни ўзгартиришнинг мураккаблиги статистик ўлчовини тавсифлайди. Бизнинг ишимизнинг изланиш параметри КОИБнинг экспериментал равишда аниқланадиган фрактал ўлчовидир. КОИБнинг фрактал ўлчамини экспериментал аниқлаш учун визуализация ва маълумотларни таҳлил қилиш учун эркин тарқатиладиган Gwyddion-2.55 дастуридан фойдаланилди. Gwyddion-2.55да ҳар хил фрактал таҳлиллар мавжуд: кубларни ҳисоблаш усули; триангуляция усули; вариацион усул, шунингдек кувват спектри усули.

Тадқиқотларда Браве панжаралари блокларини ҳисоблаш асосланган кубларни ҳисоблаш усулидан фойдаланилди.


Ўрганилаётган намуналарнинг юзаси қатъий даврий тузилишга эга эмаслиги сабабли, КОИБ мустаҳкамлигини олинган тасвирларни фрактал таҳлил қилиш орқали оширилди. Тасвирлардаги юза топологиясининг фрактал ўлчамларини аниқлаш учун нотўғри хулосалар қилмаслик учун юзага келадиган ҳисоблаш хатолари тўғриланди. 2-расмда КОИБ намуналари юзасининг 3D-визуал тасвирларини тақдим этилган.



1-расм - 1% JK-08NP қўшимчали КОИБ сирт топологиясини панжара ва сирт ҳажмига қараб ажратиш.

КОИБ намуналари сирт юзаси топологиясининг расмларини ва уларни 3D-визуализациясини таҳлил қилиш орқали ЭТФ шлагини майдалаб тайёрланган намуналарнинг юза топографиясига қўшимчаларнинг таъсирини аниқлаш имконини берди.

Тадқиқотларда улар кубларни ҳисоблаш усулидан фойдаланилди, бунда блокларни ҳисоблаш асосида тўғридан-тўғри фрактал ўлчамни аниқлаш имконини беради. Сирт юзаси топологияси ва уларнинг 3D визуализацияси тасвирларини таҳлил қилиш орқали қўшимчаларнинг сирт топографиясига таъсир қиладиган хусусиятлари аниқланди.



2- расм. КОИБ тоши юзасининг 3D тасвири:


- а) контрол намуна; б) 1% Лахта КМД PRO қўшимчаси билан; в) 0,3% ПБ Люкс қўшимчаси билан; г) 1% JK-08NP қўшимчаси билан; д) 0,3% Glenium 150 қўшимчаси билан; е) 0,3% Glenium 51 қўшимчаси билан.

Ҳисобланган фрактал ўлчамлари ЭТФ шлагини майдалашда ишлатиладиган

кимёвий кўшимчанинг тури ва табиатига қараб ўзгариб туришини кўриш мумкин (3-расм). Бу гидратация вақтида сирт фаол моддалар ва қаттиқ моддалар ўртасидаги турли хил физик-кимёвий ўзаро таъсирлардан келиб чиқиши мумкин. Маълумки, агар $D > 3$ бўлса, унда объект фрактал эмас. Умуман олганда, маълумотлардан олинган сирт фрактал ўлчамлари (D) 2.185 дан 2.311 гача ни ташкил этди (3-расм). Маълумки, сирт геометриясига кўра $2 < D < 3$ қоидаси мавжуд бўлганида объектни фрактал деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда 2 силлиқ юзага тегишли, 3 эса абсолют ғадир-будирликни англатади.

$D > 3$ фазалар чегарасининг ноаниқлигини билдиради. Таҳлил давомида фрактал геометрияси назариясидан фойдаланиш КОИБ юзасини $2 < D < 3$ бўлганлиги учун фрактал деб ҳисоблаш мумкин.

Олинган натижалар асосида каттароқ фрактал ўлчамнинг юқорилиги боғловчи тошининг мустаҳкамлигини паст кўрсатиши аниқланди. Ушбу фрактал ўлчамнинг ўзига хос хусусияти КОИБнинг натижавий мустаҳкамлигини ифодалайди.



3- расм. КОИБ мустаҳкамлигининг фрактал ўлчам билан боғлиқлиги.

КОИБ мустаҳкамлиги билан таққослаш натижасида фрактал ўлчам қарама-қарши характерга эга эканлиги аниқланди, яъни мустаҳкамликни ортиши билан фрактал ўлчам пасаяди, бу эса тадқиқ этилаётган намуналарда 2,185 дан 2,311 гача тенг бўлди.

КОИБни фрактал ўлчамини аниқлаш, уни кенг қамровли фрактал таҳлил қилишда ва баҳолашда материалнинг бошқа хоссаларини,

масалан, янгидан ҳосил бўлган минералларнинг жойлашиш зичлиги, материалнинг ғоваклиги, ўртача зичлиги ва бошқаларни ҳисобга олиш зарур деб ҳисоблаймиз.

“Серғовак бўлган материалларда боғловчи матрицасида ғовак ҳосил бўлишининг назарий асослари” деб номланган учинчи бобда серғовак бўлган материалларда минерал боғловчи матрицанинг ғоваклилигини назарий таҳлил қилиш; боғловчи матрицанинг ғоваклилиги; уяли тузилишининг шаклланиш механизми ва КОИБ асосида серғовак композитда ғовак тузилишни олиш учун таъсир қилувчи омиллар; ғовак ҳосил қилувчи моддаларнинг КОИБнинг гидратация жараёнига таъсири; кўпик композитларнинг ғоваклари орасидаги девори ҳақидаги назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Кўпикбетон ишлаб чиқариш учун анъанавий равишда ишлатиладиган портландцементидан фарқли ўлароқ, КОИБ юқори pH муҳити билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳар қандай кўпик ҳосил қилувчи КОИБ билан кўпик ҳосил қилиш жиҳатидан мос бўлавермайди. Шу муносабат билан қандай кўпик ҳосил қилувчи ва унинг асосидаги кўпик қандай бўлиши керак деган савол туғилади.

Тадқиқотларимизда Ареком-4, ПБ-2000 ва Сетора каби кўпик ҳосил қилувчиларнинг КОИБ тайёрлашда фойдаланиладиган ишқорий компонентларнинг сувдаги эритмаларининг сирт таранглигига кўпик ҳосил қилувчиларнинг таъсири ўрганилди. Ареком-4 ва ПБ 2000 кўпик ҳосил қилувчилар нафақат ишқорий компонентларнинг сувдаги эритмасининг сирт таранглигига таъсир этиши, нафақат уларнинг концентрацияси, кўпик ҳосил қилиш учун аралаштириш вақти ва ишқорий компонентни эритмаси, кўпик ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган суюқликни тури ҳам олинадиган кўпик ҳажмига таъсир этиши аниқланди.

Кўпик ҳосил қилувчиларнинг сув билан ишчи эритмасидан фойдаланилганда қуйидагилар аниқланди:

- ҳосил бўладиган кўпик ҳажмининг ўсишига аралаштиришнинг давомийлигига кўпроқ таъсир қилади;
- ишчи эритмадаги кўпик ҳосил қилувчининг модданинг концентрацияси ошиши билан кўпик чиқиши ҳам ортади.

Кўпик ҳажмининг ҳосил бўлишини ўрганиш натижасида, кўпик ҳосил қилувчилар билан бирга натрий дисиликатининг зичлиги $\rho = 1,3 \text{ г/см}^3$ бўлган эритмасидан фойдаланилганда худди шундай ҳолат ПБ 2000 кўпик ҳосил қилувчисидан фойдаланилганда кузатилди.

Кейинги тадқиқотларимиз натижасида пайдо бўлган кўпикларнинг зичлигини ўрганишга қаратилди. Маълумки, олинган кўпиклар ҳажмининг ошиши билан уларнинг зичлиги пасаяди. Ареком - 4 + натрий дисиликатидан иборат кўпик олиш учун ишчи эритмасидан фарқли ўлароқ, аралаштириш вақти ҳосил бўлган кўпикларнинг зичлигига қиёсий таъсир кўрсатмайди. Аралаштиришнинг давомийлиги 3 дақиқани ташкил этганида, кўпик зичлигининг пасайишига олиб келади ва кейинги давом этиш натижасида ҳосил бўлган кўпикнинг зичлиги ортади.

КОИБ асосидаги кўпикли бетоннинг серғовак тузилишини баҳолаш учун, А.Н. Хархардиннинг портландцемент асосидаги кўпикбетоннинг серғовак тузилишини миқдорий баҳолаш учун V_b - сув ва V_c - цемент ҳажмидан иборат икки фазали тизимда қаттиқ фазанинг ҳажм фракцияси (заррачаларнинг жойлашиш зичлиги) учун ифодаловчи тенгламадан фойдаланиш мумкин. Аммо бу тенгламадан фойдаланилганда КОИБнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Маълумки, КОИБни майин қилиб туйилган алюмосиликат компонентни (майдаланган гранулаланган домна, ЭТФ ва бошқа шлаklar, куллар ва бошқ.) ва ишқорий компонентнинг (силикат тузлари, сульфат, натрий ёки калий карбонат ва бошқалар) сувдаги эритмаси билан аралаштириш орқали тайёрланади. Ишқорий компонентнинг таркибида структура ҳосил бўлишида иштирок этадиган эритилган ишқорнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда серғовак тузилиш ҳосил бўлишида ҳисобга олиш зарур. Асос сифатида маълум формулани олиб, КОИБнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уни қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

$$\eta_{AK} = \frac{V_{AK}}{V_{AK} + V_{\text{шк}}} = \frac{1}{1 + \frac{P}{T} \cdot \frac{\rho_{AK}}{\rho_{\text{шк}}}} \quad (1)$$

бу ерда: η_{AK} – жойлашиш зичлиги; V_{AK} – алюмосиликат компонентнинг ҳажми; $V_{\text{щк}}$ – ишқорий компонентнинг ҳажми; $\frac{P}{T}$ – эритма-қаттиқ модда, яъни ишқорий компонентнинг сувдаги эритмаси миқдорини алюмосиликат компонент массасига нисбати; ρ_{AK} – алюмосиликат компонентнинг зичлиги; $\rho_{\text{щк}}$ – ишқорий компонент эритмасининг зичлиги.

1 – тенгламани қайта ўзгартириб қуйидаги кўринишдаги тенгламани оламиз:

$$\eta_{AK} = \frac{1}{1 + \frac{(P - C_{\text{щк}}) + V_{\text{п}}}{m_{AK} + C_{\text{щк}}} \cdot \frac{\rho_{AK}}{\rho_B}} \quad (2)$$

бу ерда: m_{AK} – алюмосиликат компонентининг массаси; $C_{\text{щк}}$ – ишқорий компонент таркибидаги куруқ модданинг миқдори; $V_{\text{п}}$ – кўпик тайёрлаш учун фойдаланилган сув миқдори (кўпикбетон тайёрлашнинг анъанавий усули учун). Кўпикбетонни тайёрлашнинг куруқ минерализация ва баротехнологиялари учун $V_{\text{п}} = 0$.

Боғловчи гидратцияланганида фазалар ҳажмига нисбати ўзгариши билан топологик ўтиш содир бўлади. Бу вақтда структура ҳосил қилувчи компонентларнинг боғловчининг бошланғич ҳажмига нисбатан таркибий ташкил этувчилар қисмларининг ҳажмдаги улуши қуйидагича бўлади: қаттиқ фазанинг - 0.412, суюқ фазанинг - 0.329 ва сув буғлангандан кейин газ фазаси: $\varepsilon = 1 - (0.412 + 0.329) = 0.259$.

Кўпикбетоннинг тузилиши ҳақидаги замонавий ғоялардан фойдаланиб, биз кўпикбетоннинг структура ҳосил қилувчи элементларининг топологик ва ҳисоблаш параметрлари учун қулай бўлган аналитик боғлиқлик билан ифодалашимиз мумкин. Барқарор сув-цемент кўпикли суспензиясининг муҳим параметрлари, топологик (2) билан бир қаторда, (2) тенгламадан осонгина олинган $\frac{B}{T}$ нисбати қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\frac{B}{T} = \left(\frac{1}{\eta_{AK}} - 1 \right) \cdot \frac{\rho_B}{\rho_{AK}} = 0,327 \left(\frac{1}{\eta_{AK}} - 1 \right) \quad (3)$$

Боғловчи суспензиясини тайёрланганда $\frac{B}{T}$ нисбати етарли даражада аниқ бажарилганда, экспериментал тадқиқотларидаги ε_p гелли ғоваклик маълум хатоликлар билан бажарилса, уни ўртачага келтириб олиниши мумкин ва у 0,2 га тенг бўлади.

Бу материалдаги моддаларнинг зич жойлашини кўрсатади, бу эса капилляр ва контракция ғовакларининг камайишига олиб келади. Бундай ҳолда, турли диаметрдаги ғоваклар ҳосил бўлади. Бажарилган назарий изланишлар, ҳисоблаш ва экспериментал усулларга асосланиб, КОИБ ва кўпик ҳосил қилувчи асосидаги серғовак материалнинг ғоваклиги аниқланди.

Анъанавий усулда КОИБда серғовак қоришмани тайёрлаш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар асосида КОИБ қоришмаси ва органик тўлдирувчи билан тайёр кўпик билан аралаштирилганида кўпик массанинг чўкиши (ҳажмининг камайиши) тахминан икки баробаргача рўй бериши аниқланди. Буни серғовак

органик тўлдирувчининг юқори сув шимувчанликка эгаллиги сабабли жадал кўпик таркибидаги сувни шимиб олиши натижада серғовак массанинг ҳажмини қисқаришга олиб келиши билан тушунтириш мумкин.


Тадқиқотларимиз давомида шунингдек серғовак аралашмани тайёрлашнинг анъанавий усулидан фарқланадиган органик тўлдирувчи, КОИБнинг алюмосиликат ва ишқорий компонентларини аралаштириб кейин тайёр кўпик қўшиб серғовак аралашмани аралаштириб тайёрланди. Бу усулда ўртача зичлиги 350 кг/м^3 бўлган серғовак композит олинган. Бундай композицияни олиш имконияти таркибий қисмларини аралаштириш вақтида органик тўлдирувчининг очиқ ғовакларини КОИБ тўлдириши натижасида органик тўлдирувчининг сув шимишини пасайишига олиб келиши билан изоҳланади.

Олинган натижаларни таҳлил қилиб, шунини таъкидлаш мумкинки, серғовак аралашманинг ҳосил коэффиценти қиймати технологик жараённинг мослигини тавсифлайди. Ушбу кўрсаткич ва аралашманинг $\frac{B}{T}$ нисбати унинг серғовак композитнинг физик ва техник хусусиятлари билан ўзаро боғлиқ бўлган технологик хусусиятлари билан аниқланади.

